

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI**652** Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси-ни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига изоҳ матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«* Маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлаш мувофиқликни декларациялаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

** Мувофиқликни тасдиқлаш мувофиқликни декларациялаш ёки ишлаб чиқарувчи томонидан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг мувофиқлигини маълум қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

*** Фақат озиқ-овқат саноатида ҳамда фармацевтика маҳсулотлари ва чорва моллари учун озуқа ишлаб чиқаришда қўлланиладиган маҳсулотлар. Мувофиқликни тасдиқлаш мувофиқликни декларациялаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

**** Мувофиқликни тасдиқлаш фақат четдан келтириляётган маҳсулотларга хорижий мамлакатларнинг аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини ёки мувофиқлик тўғрисида декларациясини тан олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин».

2. «Ўзстандарт» агентлиги ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзавтосаноат» АЖ бошқаруви раиси У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 июль,
475-сон